



ОБРАЗНИНГ БАДИЙ ТАРЖИМАДА ТАЛҚИНИ

(В. Л. Войничнинг “Сўна” романининг рус ва ўзбек тиллари таржимаси мисолида)

Расулов Нормурод,
СамДЧТИ ўқитувчisi

Калит сўзлар: образ, оригинал тил, бадиий таржима жарёни, бадиий таржимада бўёғдорлик, сўзма-сўз таржима, контекс, сўзниг лугавий маъноси, асар қаҳрамони.

Бадиий тўқима образлари кишиларнинг жуда кўпчилигига манзур бўлиши, уларнинг кайфиятлари ифодаси бўлиши лозим. Замонамиз кишиларининг юксак новаторлик билан яратилган янгидан-янги образлари бир-бирларини тақорламаслиги, ҳаракат ва қарашлари, орзу ва тушунчалари оригинал бўлиши талаб этилади. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бир дунё бўлиши, таъсир кучи ва эмоционаллиги ҳар жиҳатдан юксаклиги билан бошқа образлардан фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам Алексей Толстой кўп йиллик ижодий тажрибаларига асосланиб “Бадиий тафаккур” номли мақоласида “Минг хил процесслар натижасида конвейердан чиқадиган машина каби образ ҳам аниқ ва ёркин, тугал тафаккур натижасидек мушкул жараён асосида юзага келади”, деган эди [1, 228].

Шундай экан, мутаржим ўзининг таржима маҳсулотини чиқарар экан, ундан оригинал тилда яратилган образлар, уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос бир дунё бўлиши, таъсир кучи ва эмоционаллиги, ҳар жиҳатдан юксаклиги билан бошқа образлардан фарқ қилишини чуқур англагани ҳолда таржима юмушига киришиши тақозо этилади.

Инглиз ёзувчиси В. Л. Войничнинг “Сўна” роман образларининг рус ва ўзбек тиллари вариантларида ифодаланишини кузатиш жараёнида ўша давр ёшларининг катталар томонидан кўп ҳолларда танбеҳларга учраганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Романнинг тўртинчи бобида янги ректор асар бош қаҳрамони Артурни дарров ўзига қаратиб олади. Чунки университет бошликлари томонидан олиб борилган сиёsat, қаттиқ танқидлар студентлар қатори Артурнинг ҳам жигига

тегади. Буни яхши англаган ректор вазиятни Артурга ётиғи билан тушунтиришга уринади ва у ректорнинг ҳар бир кўрсатмасига итоат қила бошлайди. Дунёда табиати жиҳатидан бебошликка учиб турган ёшлар кўплиги, шунинг учун уларнинг шахсига катталар хурмат билан қарашса, улар ортиқча ташвиш туғдирмаслигини айта туриб, ректор ўз нутқида қуйидаги иборани кистириб ўтади:

“But, of course, the most docile horse will kick if you are always jerking at the rein”[2, 42].

Мазкур жумланинг рус тилидаги “смирная лошадь станет брыкаться” иборасини ўзбек тилига тубандагича таржима қилинганини кузатиш мумкин:

“Ахир ювоши от ҳам, ҳадеб жилови тортаверилса, олдинги оёқларини кўтариб олади”[3, 32].

Отнинг тепиши (*horse will kick*) ўзбек тилида отнинг олдинги оёқларини кўтариб олишига, яъни қайсарлиги тутишига “мувофиқлаштирилган”. Кўриниб турибдики, китобхон асар мутолааси жараёнида ёшларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг камситилишига нисбатан ректор тилидан олинган жумлалар орқали Артурнинг ҳам энди ёш бола эмаслигини тўлиқ англай бошлайди.

Маълумки, роман ўзбек тилига билвосита, яъни рус тили орқали ўгирилган. Шу жиҳатдан, таржимон восита тилда ифодаланадиган ҳар бир “унсур”нинг ўз эътиборидан четда қолишига йўл қўймасликка ҳаракат қиласди.

Зоро, романнинг рус тилидаги вариантида жумла қуйидагича ўз ифодасини топган:



“Но ведь и смирная лошадь станет брыкаться, если постоянно дергать поводья” [4, 28].

“will kick” ҳамда “брыкаться” сўзларининг лугавий маъносини ҳисобга олган ҳолда, мутаржим жумлани “*тепиб олади*” ёки “*тепади*” тарзида давом эттиrsa эди, иборанинг нафақат восита тилдагидек, балки оригинал нусхадагидек “жаранглаши”га эришилган бўларди, назаримизда.

Асарни мутолаа қилиб бораркан, китобхон шуурида образларнинг ўзига хос хусусиятлари, ички характерлари кенг миқёсда очила боради. Асар персонажлари томонидан қаҳрамон Артур образига нисбатан билдирилган тафсилотлар орқали китобхон ўша қаҳрамон тўғрисида ўз билганларини бойитиб боради. Артур билан сұхбати асносида диний семинария ректори каноник Монтанелли хақида тўхталади:

“But I know Canon Montanelli takes a great interest in you, and I fancy he is a little anxious on your behalf – just as I should be if I were leaving a favourite pupil” [2, 46].

Парчани рус тилида ўқиймиз:

“Но я знаю, что каноник Монтанелли очень заботится о вас и, если не ошибаюсь, тревожится о вашем благополучии. Я бы тоже тревожился, случись мне расстаться с любимым воспитанником” [4, 31].

Оригинал тилда баён этилган “is a little anxious on your behalf” ибораси рус тилида “тревожится о вашем благо получии” каби ифодаланган бўлса, бу ўзбек тилига келиб “сизнинг саломатлигиниз тўғрисида хавотир ҳам қилиб юради” [3, 36] га айланган. Бу ерда ўзбек таржимони Мирзакалон Исмоилийнинг бадиий таржима юмушига шунчаки юзаки эмас, балки ҳақиқий ижодий иш сифатида ёндашганини кузатиш қийин эмас, албатта. Рус тилидаги «благополучие» сўзи сўзма-сўз эмас, бироқ сұхбат асносида вазият ва ҳолатдан келиб чиқкан ҳолда ўзбек тилига “саломатлигиниз тўғрисида” шаклида ағдарилиган. Чунончи, парча ўзбек тилида қуйидагича жаранглайди:

“Бироқ, гап шундаки, каноник Монтанелли сизга жуда ҳам ғамхўр, иннакейин, назаримда, сизнинг саломатлигиниз тўғрисида хавотир ҳам қилиб юради. Бу бежиз эмас... Агар яхши кўрган шогирдимдан ажрасам, менинг ўзим ҳам хавотирга тушардим” [3, 36].

Артур ётоқхонага кириб, бут олдида тиз чўкади. Эртаси куни эрталаб ҳазрат Карди унинг тавбасини қабул қилишга ваъда қилган эди. Энди у пасха олдидан қиладиган ана шу тавба-тазарруга узок ва астойдил ибодат билан ўзини тайёрлаши керак бўлади. Персонаж нутқидан олинган ушбу парчага диққатингизни жалб этмоқчи эдик:

Kneeling with clasped hands and bent head, he looked back over the month, and reckoned up the miniature sins of impatience, carelessness, hastiness of temper, which had left their faint, small sports upon the whiteness of his soul. Beyond these he could find nothing; in this month he had been too happy to sin much [2, 47].

Ўз-ўзини баҳолаш унсурлари устунлик касб этган мазкур жумла орқали китобхон Артурнинг ўзига берган сифатларини “жамғарив боради”.

Стоя на коленях, со сложенными на груди руками и склоненной головой, он вспоминал день за днем весь прошедший месяц и пересчитывал свои маленькие грехи - нетерпение, раздражительность, беспечность, чутьчуть пятнавшие его душевную чистоту [4, 32].

Асл тилда берилган сифатлар романнинг таржима вариантида қуйидаги тарзда мохирона акс эттирилган: *impatience* – нетерпение – чидамсизлик; *carelessness* – раздражительность – енгилтаклик; *hastiness* – беспечность – тажсанглик каби.

Ҳаёти давомида Артур ўзига муносиб кўрмаган фазилатлар рус тили варианти билан бир қаторда “учинчи тил” нусхасида ҳам усталик билан ўгирилганига шоҳид бўлишимиз турган гап.

У тиз чўккан, қўлларини қовушитирган ва бошини қуви солинтирган ҳолда фикран орқага, ўтган ойга қаради ва чидамсизлик, енгилтаклик, тажсанглик



қилган кезларини эслаб, майды-чүйда гуноҳларини бир-бир санаб чиқди. Аммо булар унинг тоза қалбига заифгина дөз бўлиб тушган майды гуноҳлар эди [3, 37].

Бош қахрамон тўғрисида айтилган бу каби салбий фазилатлар унинг ўзига ҳам ёқмаслигини китобхон борган сайнанглай бошлайди. Инчунун, бу ҳақда ўкувчи ўз хулосасини ҳам чиқаради.

Кунларнинг бирида Артур кўйлагининг ёқасини ечади, қўйнидан бир парча қоғоз учиб тушади. Бу Жемманинг мактубчаси бўлиб, уни Артур куни билан кўкрагида сақлаб юради. Мактубчани ердан олиб очади, кейин уни ўпади; сўнг ярашмаган иш қилиб қўйдим, деган хира бир тушунча билан қоғозни яна тахтай бошлайди. Кўзи қоғоз орқасидаги сатрларга тушади; уни боя ўқимаган эди.

“... Be sure and come as soon as possible,” it ran, “for I want you to meet Bolla. He has been staying here, and we have read together every day” [2, 47-48].

Бу сатрларни ўқигандан, Артурнинг юзи қип-қизариб кетади.

“Ҳамиша ўша Болла! Ливорнода яна нима қилиб юрибди у? Нега энди Жемма у билан китоб ўқишади? Унинг контрабанда ишиларида нима қизиқтиаркан Жеммани? Болла уни бутунлай сеҳрлаб олди. Жеммани яхши кўриб қолганлиги январдаги мажслисдаёқ сезилиб турган эди. Шунинг учун ўшанда ёниб гапираётган эди-да! Энди у қиз ёнида, ҳар кун бирга-бирга китоб ўқишади” [3, 38].

Адабиётлар:

1. Толстой А. О литературе. - Москва, 1956.
2. Voynich E. L. The Gadfly. - Moscow: Foreign languages publishing house, 1955. – 335 p.
3. Войнич Э. Л. Сўна. Русчадан Мирзакалон Исмоилий таржимаси. – Тошкент, 1956. – 311 б.
4. Войнич Э. Л. Овод. Перевод Н. Волжиной. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 272 с.

Расулов Н. Интерпретация образа в художественном переводе (на примере перевода на русский и узбекский языки произведения В. Л. Войнич «Овод»). В статье рассматривается создание художественного образа в произведениях, переведённых с английского на русский и узбекский языки. Автор ставит цель показать передачу таких особенностей персонажа, как речь, поведение, характер при переводе.

Rasulov N. The interpretation of the image in literary translation (on the example of the translation of the novel “The Gadfly” by E. L. Voynich into Russian and Uzbek). The article discusses the interpretation of the image in literary translation from English into Russian and Uzbek. The author aims to show transferring of some peculiarities of the literary heroes, such as expressive speech, behavior, character, manner in practical translation.

Атиги беш минутгина олдин мазлумлик орзулари билан кўкларда учган асар бош қахрамони Артур мана энди жиноятчи сингари турибди, виждони азобланаяпти.

A soul capable of sordid jealousies and suspicions; of selfish animosities and ungenerous hatred – and against a comrade! He covered his face with both hands in bitter humiliation [2, 48].

Артур ўзини тахқирлади, ўз ўртоғи ҳақида шубҳаларга берилади, пасткашларча Болладан Жеммани рашк қиласиди.

Булар асарнинг рус тилидаги нусхасида қуйидагича ўгирилганига гувоҳ бўламиз:

Значит, она (душа) способна на низкую ревность и подозрения, способна питать зависть и мелкую злобу, да еще к товарищу! В порыве горького самоуничижения Артур закрыл лицо руками [4, 33].

Гуноҳлар учун тавба-тазарру қилаётуб ҳам қалбини қамраб олаётган рашк ўти учун Артур ўзини кечира олмайди, виждони азобланади.

Хуллас, мутаржим Мирзакалон Исмоилий томонидан ўзбек тилига афдарилган мазкур роман образлари асарнинг асл нусхадаги каби китобхонда тўлалигича таассурот қолдиради, деган тўхтамга келишга асослимиз.